

О'zbekiston Respublikasi
Xorazm viloyati
Bog'ot tumani
НОКИМИ
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
ХОКИМИ
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 504и

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Хўжаниёзов Қадамбой
Тўхтабоевичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Ёш ўсмир” маҳалласида яшовчи фуқаро Хўжаниёзов Қадамбой Тўхтабоевичнинг “Ёш ўсмир” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 21 февралдаги ХО-Х-569-сонли аризасини, “Ёш ўсмир” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 19 февралдаги № 832-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:


1. Боғот тумани “Ёш ўсмир” маҳалласида жойлашган 6 (олти) та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 94,08 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 106,47 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 200,55 квадрат метр, қурилиш ости майдони 234,0 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр (умумий ер майдони 1401,6 квадрат метр бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган 101,6 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Хўжаниёзов Қадамбой Тўхтабоевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Хўжаниёзов Қадамбой Тўхтабоевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан куриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар курилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган холда амалга оширганга шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилган 101,6 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Хўжаниёзов Қадамбой Тўхтабоевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев

О.Холбоев